XALQ DEPUTATLARI TOSHKENT SHAHAR KENGASHINING
Q A R O R I

2021 - yil 21 - sentabr VI-47-64-14-0-K/21 Toshkent shahar hokimligi

Юнусобод, Чилонзор, Шайхонтоҳур ва Мирзо Улуғбек туманларидаги айрим умумий ўрта таълим мактабларига миллий кино санъатининг таниқли намояндаларининг номларини бериш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги, “Географик объектларнинг номлари тўғрисида”ги Қонунларига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 7 апрелдаги “Кинематография соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш ҳамда соҳа вакилларининг ижодий фаолияти учун муносиб шароит яратиш тўғрисида”ги ПҚ-5060-сон қарори, 2020 йил 20 ноябрь куни “Ўзбекфильм” киностудиясига ташрифи давомида берилган топшириқлари ва кино ижодкорлари билан ўтказилган учрашувнинг 92-сонли баёни 4-банди ижросини таъминлаш мақсадида халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 7 апрелдаги “Кинематография соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш ҳамда соҳа вакилларининг ижодий фаолияти учун муносиб шароит яратиш тўғрисида”ги ПҚ-5060-сон қарори ҳамда 2020 йил 20 ноябрь куни “Ўзбекфильм” киностудиясига ташрифи давомида берилган топшириқлари ва кино ижодкорлари билан ўтказилган учрашувнинг 92-сонли баёни маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармасининг “Юнусобод, Чилонзор, Шайхонтоҳур ва Мирзо Улуғбек туманларидаги айрим умумий ўрта таълим мактабларига миллий кино санъатининг таниқли намояндаларининг номларини бериш тўғрисида”ги таклифи маъқуллансин.

3. Юнусобод, Чилонзор, Шайхонтоҳур ва Мирзо Улуғбек туманларидаги

айрим умумий ўрта таълим мактабларига иловага мувофиқ миллий кино санъатининг таниқли намояндаларининг номлари берилсин.

4. Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари (Д.Рахимова), Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси (К. Хасанов), Ўзбекистон Республикаси Кинематография агентлиги Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими (Х.Миробидов), Давлат хизматлари агентлиги Тошкент шаҳар бошқармаси (С.Абдуллаев) миллий кино санъатининг таниқли намояндаларининг номлари берилган умумий ўрта таълим мактаблари бўйича ҳужжатларга ўрнатилган тартибда тегишли ўзгартиришлар киритилсин.

5. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати, Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш бўлими (А.Ахмаджонов) мазкур қарор расмий эълон қилиниши, тарғибот-ташвиқот ишлари амалга оширилиши ва www. toshkent. uz веб-сайтига жойлаштирилиши таъминлансин.

6. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан сўнг кучга киради.

7. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг Таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт ва ижтимоий ҳимоя масалалари бўйича доимий комиссияси раиси Ш.Сагдуллаев ва Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Д.Рахимова зиммасига юклатилсин.

Тошкент шаҳар ҳокими **ARTIKXODJAYEV J. A.**

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар
Кенгашининг
2021 йил 21 сентябрдаги
VI-47-64-14-0-K/21-сон қарорига
1-илова

Юнусобод, Чилонзор, Шайхонтоҳур ва Мирзо Улуғбек туманларидаги умумий ўрта таълим мактаблари ва миллий кино санъатининг таниқли намояндаларининг берилаётган номлари рўйхати

№	Умумий ўрта таълим мактаби жойлашган ҳудуд	Умумий ўрта таълим мактаби рақами	Миллий кино санъатининг таниқли намояндаларининг берилаётган номлари	Изоҳ
1.	Юнусобод тумани	96-сонли умумий ўрта таълим мактаби	Наби Ғаниев	
2.	Чилонзор тумани	138-сонли умумий ўрта таълим мактаби	Йўлдош Аъзамов	Географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича шаҳар комиссияси йиғилиш баёни
3.	Шайхонтоҳур тумани	169-сонли умумий ўрта таълим мактаби	Комил Ёрматов	
4.	Мирзо Улуғбек тумани	222-сонли умумий ўрта таълим мактаби	Шукур Бурхонов	